



## **Иброҳим ҒАҒУРОВ: “БАДИЙ ТАРЖИМА НУСХА КЎЧИРИШ ЭМАС”**

*“Таржиманинг ҳадди аълоси —  
универсал муодиллик. Ақли техника”*

**Иброҳим Ғафуров.**

Таржима — шундай бир мураккаб ижодий жараёнки, у кишидан катта билим, кенг дунёқараш, адоғи йўқ меҳнатни талаб қилади. Унда хорижий тилни мукамал билиш жуда муҳим. Бир тилни ўрганиш, аввало, ўз она тилига бўлган муносабат билан ҳам белгиланади. Ўз тилини яхши билган, уни ҳурмат қилган, она тилининг софлиги, ривожини учун қайғура олган киши бошқа тилга ҳам шундай муносабатда бўлади. Кўп йиллар таржима соҳасида самарали фаолият олиб борган адабиётшунос олим, ёзувчи, моҳир таржимон Давлат мукофоти соҳиби, филология фанлари номзоди Иброҳим Ғафуров билан кечган суҳбатимиз таржимада тил билишнинг аҳамияти, таржимон шахси, замонавий таржимашуносликдаги ижодий тажрибалар хусусида кечди.

**— Иброҳим ака, сўнгги йилларда Ўзбекистонда хорижий тилларни ўрганишга бўлган эътибор ортмоқда. Бу борада амалга оширилган ишлар, қолаверса, мамлакатимизда тил соҳасида олиб борилаётган ислохотларга шу миллатнинг бир зиёли вакили сифатида муносабатингизни билишни истар эдик.**

*— Ҳозир айти тил ўрганадиган замон. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатлар ишонч ва ўзаро ҳурмат заминида қурилиб, ранг-баранг соҳаларда алоқалар, борди-келдилар ва булардан ўзаро манфаатдорлик ўсиб борганда, албатта, тил билишга ўзаро эҳтиёж, талаблар кучаяди. Буни аниқ ҳисоблаб чиққан давлатнинг ўзи ёшларни тилларни асосли тарзда ўрганиши, тиллар билимдони бўлишга рағбатлантириб, бунга ҳар томонлама раҳнамолик қилиб турганда, бу даврнинг ўзига хос белгиси сифатида кўзга ташланади. Аён кўриниб турибдики, тилларни ўрганишга қунту ихлос қўйган ёшлар, умуман, фуқаролар ютади. Аммо ўрганишдан мақсад шунчаки хорижий тилларни билиш эмас, балки уларни профессионал даражада эгаллаш, тиллар орқали илмларнинг эшикларини кенг очиб назарда тутилади. Буни кўп ёшлар тушунапти, ҳис қиляпти.*

Самарасини ҳам кўраётганлар оз эмас. Давлатнинг тил ислохотларига бош-қош бўлиб туришига илм-фанлар, маданиятлар, турли янги ихтисосликларни эгаллашига, самараси эрта келажакда кўриниб турган зиёли йўллар ва уфқларни очади.

Журналистлар миллат ва омма маданияти устида сўз кетганда, зиёлилар ҳақида суҳбат олиб боришни ёқтиришади, бунга эътирозимиз йўқ, аммо зиёлиликка эришиш осон эмас. У тоғ чўққисидаги дўланага ўхшайди. Камдан кам жаҳд қилган одам етиб боради. Зиёлилик қийин масала. Айниқса, ҳамма зиёли бўлиб кўринадиган, ундан ҳам ажойиб ҳамма ўзини зиёли қилиб кўрсатишни истайдиган бизнинг замонда зиёлиликнинг белгиси — саводхонлик, яъни тўғри ёзиш, тўғри ўқиш, тўғри гапириш, тўғри фикрлаш, тўғри йўл танлаш, оқ-қорани расмана ажратиш, шулар муяссар бўлгач, кейин зиёлилик майдони очилади.

Сир эмас, ҳар қандай материал қаршилик қилади. Ҳар қандай миллий тил — бепоён оила. Бу соҳир далаларни билиш, ўзлаштиришига ёшларнинг қунти етадими? Тоқат, ирода, матонат етадими?

Тилларни ўрганиш — зиё эшикларини очиш, бу — байрам, чинакам байрам, менга шундай туюлади. У ақл-идрокнинг байрами, ҳаёт байрамига бир дебоचा. Аммо замонавий кайфиятлар ҳамда майлларда тез бойиш, тез кўп пул топиш, жуда тез барча қулайликларга ва имтиёзларга эришиш интилишлари кучли намоён бўлмоқда. Оз куч сарфлаб кўп нарсани кўлга киритиш яшаш мақсадлари ва тамойиллари тусини олмоқда. Материалнинг қаршилигини енгиб, унинг сир-асрорларига етгандан кўра материалнинг ўзини айланиб ўтиш маъқул кўринмоқда. Бунда тил ўрганиш ва умуман, илмли бўлиш учун яратилган шароитни шахс бой бериб қўйиши мумкин. Тогора кўлга киради-ю, аммо кейинроқ бориб, унинг тешик эканлиги маълум бўлади. Саводхонлик сохтагарчиликни кўтармайди, ўзини ўзи алдаб юзаки саводхон бўлиб яшашни қабул қилмайди. Ишбилармонлик, ишнинг кўзини билиш, практицизм деймиз – у жуда яхши, у бутун дунёда ўз ҳукмига кирди. Аммо практицизм бўлса-ю, уни мустаҳкамлайдиган, тебранмас замин яратадиган саводхонлик бўлмаса, ўсиш, униш саробга айланиб қолади.

Саводхон одамгина ўзида материал қаршилигини енгиб ўтишига лойиқ куч-матонат топади.

— Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар жаҳон адабиёти намуналарининг аксарияти ўзбек тилига кўпроқ рус тилидан, қолаверса форс, араб, турк тилларидан таржима қилинган. Сиз адабиётшунос олим, публицист ва таржима соҳасида кўп йиллик тажрибага эга, ўзига хос мактаб яратган таржимон сифатида бу жараёнлардан яхши хабардорсиз. Сўнгги

## **йиллари Европа тилларидан қилинаётган таржималар кўпаймоқда. Бундай таржималарга сизнинг муносабатингиз қандай?**

— *Ҳар қандай миллий тилнинг фикрни аниқ ифодалаш қудрати оғзаки ва ёзма адабиёт амалиётида, мулоқот маданиятида ҳосил бўлади. Тилнинг ифода салоҳияти эса тиллардан тилларга таржималарда чархланади. Бунга инглиз, француз, немис, италян, испан, рус, турк тиллари ёрқин мисол бўлолади. Бу каби тиллар кўп асрлик фаол таржима жараёнида мислсиз бойиган, ифода арсеналига эга бўлган.*

*Тарихий, ижтимоий шароит тақозоси билан бир пайтлар ярим асрдан кўпроқ вақт жаҳон адабиёти намуналарини воситали тил – рус тилидаги таржималар асосида танишиб бордик. Бу тажриба ва қораламалар орқали таржима қилиш ўша замон шароитида ўзини оқлади. Жаҳон адабиётидан баҳрамандликка хизмат қилди — “сув йўғида таяммум” деганларидай. Аммо замонлар, ижтимоий тузумлар ўзгарди. Колониализм ўрнини глобализм мустаҳкам эгаллади. Миллий маданият мустақил тараққиёт йўлига чиқди. Хорижий тилларни билишга кенг йўллар очилди, мислсиз шароитлар яратилди. Энди бадий таржималар аслиятлардан қилингандагина ўзини оқлайди. Асл таржима қимматига эга бўлади. Бунини жамоатчилик яхши тушунади. Чеховни ўзбек тилига инглиз тили орқали таржима қилишни ақлга сиздириб бўлмайди. Ақлга сиздирганда ҳам, бундай таржимадан нима қолади-ю, у нимага ярайди.*

*Ҳозир Европа ва Шарқ адабиётларини аслиятдан – японча, хитойча, арабча, ҳиндча, форсча, туркча, немисча, французча, инглизчадан таржима қилиш, яъни асл тўғри таржима йўлига ўтиш хоҳиш-майллари, иштиёқлари кўзга чалиняпти, ўзбек адабиёти намуналари ҳам жаҳон тилларига асл ўзбекчадан ўгириляпти. Бу бениҳоя хайрли иш бўлиб, миллий миқёсда улуг маданий ўзанга тушиб олмай иложли йўқ. Ҳатто бир қанча номлару бир қатор асарларни қувонч билан санаб кўрсатиш мумкин. Аммо бу бепоён жаҳон адабиёти океани олдида ҳали зарралар. Энди шу зумрад зарралар бизни тўғри уммон стихияларига етаклаб боради. Бунинг учун йиллар керак ва бу буюк аслиятдан таржима ишларини ҳеч сусаймас ва орқага қайтмас тарзда зиммасига оладиган масъулиятли мутахассислар керак. Бу ерда ҳаваснинг ўзи етарли эмас. Бу ерда бир тилни яхши, иккинчи тилни чала ё қониқарли билиш ҳам етарли эмас. Рассомликда мумтоз асарлардан ўта маҳорат билан нусха кўчирувчилар бор. Копиячини – нусха кўчирувчи, нусхакаш дейишади. Уларнинг хизматлари ҳам ҳурматга лойиқ ва талабгорлари кўп. Аммо яхши билиб олмоқ жоиздирким, бадий таржима нусха кўчириш эмас. Бу ерда бошқа қонуниятлар амал қилади. Галина Уланова деган маишхур рус балет раққосаси – балетда бош муҳим, оёқлар*

бўлаверади, дер экан. Бу салоҳият муҳим дегани. Аммо янги нав аҳлларда оёқ муҳим дейдиганлар ҳам топилади ва ёшларни бунга ишонтиришади.

Таржимачиликда янги йўлга чиқаямиз. Тажрибалар кўпайиб, бир-бирига уланиб, бойиб бораверсин. Замон тақозоси шу. Аммо бир тилагим бор, айтмай илож йўқ: менимча XXI асрда таржимон бўлишининг ўзи етмайди: эндиликда тил мутахассиси — таржимон мутахассис ва адабиётчи ягона битта шахс – ягона битта қиёфада мужсасамлашиши шарт. Жаҳон адабиётини биладиган, ундан яхши хабардор одам бу ишга қўл урсин. Наинки, шу пайтгача “Тристан ва Изолда”га ўхшаган “Лайли Мажнун” муқоясасидаги афсоналар, А.Превонинг “Манон Леско”сига ўхшаши жонсўз асарлар, Бобурнинг замондоши А.Раблининг “Гаргантюа билан Пантагрюэл” сингари янги тиндаги гаройиб романлари ҳанузгача французча аслидан ўзбекчага қойилмақом ўгирилмайди. Ҳай, булар ўрта асрлардан эсга туширганларимиз. Балзаклари, Флоберлари, Дидролари ва мислсиз янги замон адабиётлари-чи? Ануй, Мориак, Сартрлар-чи? Қачон ушбу буюкдан буюк усуллар — адабий усуллар Навоий, Лутфий, Қодирий тили билан бўйлашади? Ахир усуллар бўйлашишларининг ўз синовлари, “жанг машаққатлари” мавжуд. Немис-ўзбек, инглиз-ўзбек, француз-ўзбек, италиян- ўзбек таржима синовлари, майдон-майдон мужсодалаларнинг ўз сир-синоатлари, ўзига хосликлари бор. Ҳеч шубҳасиз, таржимон ижодкор улар билан юзма-юз келади. Шунда таржимон тил мутахассиси — таржимон мутахассис — адабиётчи битта шахс эканлиги синовдан ўтади. XXI асрда таржима коммуникацияси ҳақида сўз юритганда, шулар муҳокамамиз марказида тургани маъқул.

*Аср — мутахассислашув асри. Бошқа йўл йўқ.*

**Рус тили ҳам чет тил саналади. Сизнинг бу тилдан қилган таржималарингиз баҳоси ниҳоятда беқиёслигини рус адабиётидан хабардор ҳар бир ўзбек китобхони эътироф этса керак. Аслида ҳам Ф. Достоевскийни ўзбек ўқувчисига Сиз танитгансиз. Қолаверса, бу миллатнинг бошқа А. Пушкин, И. Тургенев, Л. Толстой, В. Распутин, А. Солженицин сингари буюк ёзувчилари асарларини ҳам таржима қилгансиз. Булар бевосита аслиятдан таржималар ҳисобланади. Бу таржималарда қандай принципларга риоя қилгансиз?**

—Таржима қилишни яхши кўраман. Бу галати қизиқиши талабалик пайтларимдан ўз домига торган. Шундан буён ҳаётимнинг ажралмас қисми ва маъносига айланган. Бу болаликдан тинмай кўп китоб ўқишининг натижаси бўлса керак. 1957 йили америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг рус тилида чиққан икки томлик асарларини бош кўтармай ўқиб чиқдим. Кейин ҳам қайта-қайта ўқиб, ҳайратланиб юрдим. Шу пайтларда Жойснинг “Улисс” романидан қилинган айрим эпизодларнинг рус тилига гаройиб таржималарини ўқидим. Ростини

айтсам, Навоий бола чоғида “Қушлар тили”ни ўқиб қандай вола-ю шайдо бўлса, мен ҳам шундай руҳий ҳолатга тушдим. Бу оҳанрабо эканлигини сал кейинроқ билдим. Анчагача ва ҳозир ҳам бу психологик ҳолат мени тарк этмаган. Бу оҳанрабо менга иккинчи жон каби ўрнашган. Ўшандаёқ Хемингуэйни, айниқса, “Тушдан кейинги ўлим”, “Сен билан бирга байрам” асарларини ўзбекчалаштириши ҳаваси қаёқдандир пайдо бўлди. Бу мендаги илк таржима ҳаваси эди. Талабалик йиллари у кучайиб борди. Мени университетда ишлаш учун қолдиришди. Аммо наشريётда ишлаш, китоб нашр қилишининг ҳаваси кучлироқ чиқди. Давлат наشريётида муҳаррир бўлиб ишлаш бошлагач, мени таржима ва танқид дунёси батамом ўз қучоғига тортиб кетди. Бу соҳаларни назарий ва амалий ҳар томонлама ўрганишига жон-дилим билан киришдим. Нашриётда улкан тажрибакор таржимонлар билан танишдим, узоқ йиллар бирга ишладим, таржима ижоди лабораторияларидан хабардор бўлдим. Одамлар ўртасида ёқтириши ва ёқтирмаслик муносабатлари қандай тугилишини кузатдим. Кўп галати ҳодисаларга дуч келдим. Нега бир одам ёқади-ю бошқаси ёқмайди, нега бир китобни бирдан севиб қоласизу бош кўтармай ўқийсиз, нима бор ўртада? Узоқ вақт ўйлаб юриб, ўртадаги нарса оҳанрабо эканлигини ниҳоят тушуниб етдим. Бизни бир-биримизга шу сирли оҳанрабо яқинлаштирар, ўртада узилмас дўстлик ришталарини боғлар ва у кўпинча умр бўйи давом этаркан. Айрим китобларда ҳам шундай оҳанрабо бўлади ва у одамларни ўзига боғлаб олади.

Ҳамиша мени ўзига оҳанрабоси билан тортиб жалб этган китобларни ўзбекчалаштиришини орзу қилдим. Айрим китобларга яқинлик туярдим ва бу яқинликни қандай бўлмасин юзага чиқариши, нима биландир ифодалашни истардим. Таржима, мақола ёзиши мен учун шундай изҳор шаклларига айланди. Муҳаббат ва эътиқодимни шу самарали йўл билан ифодаладим. Таржимага асар танлашда муҳаббатим овозигагина қулоқ солдим. Жаҳон адабиётини озми-кўпми таний бошлагач, мени кўпроқ ва асосан, янги типдаги асарлар қизиқтиришини билдим. Янги типдаги деганим адабиёт ва тафаккур дунёсида янги йўллар очган, янги шакллар киритган, янги руҳоний ҳодисаларни кашф этган асарлар ва ёзувчилар. Назаримда дунё адабиётида Рабле, Свифт, Достоевский, Тургенев, Жойс, Хемингуэй, Нитше, Маркес чунончи, шундай янги типдаги асарлар яратганлар. Уларнинг услублари, поэтика-санъатлари, фалсафаси ўзбек тилида акс этишини орзу қилардим. Паустовский ижодни олтин гулга менгзайди. Бу каби асарлар юрагимда олтин гулга айланган эди.

Маиҳур италиян кинорежиссёри Федерико Феллини “Фильм яратиши” деган асарида асарга тайёргарлик жараёнида ўз ҳолатини шундай тушунтиради: “Нега мен ўз фильмларимнинг персонажлари расмларини чизаман? Нега уларнинг юз тугилишлари, бурун, мўйлов, бўйинбоғ, сумка, оёқ-

қўллари, уларни чалиштириб ўтиришлари, ҳузуримга қай таҳлитда кириб келишларини қозоғга чизиб ўтираман? Шу тариқа бўлажак фильмнинг ичига кириб бораман, унинг қиёфасини аниқлайман, қандайдир тафсилотлар орқали гоёсини белгилашга уринаман”, деб ёзади.

Бундай ижодга тайёргарлик кўриш таржимонга ҳам бегона эмас. Мен асарнинг лугати, тасвирий воситаларининг контурларини ўзим учун аниқлаб оларканман, унинг композицияси, сюжет чизиқлари, характерлар, диалоглар, пейзаж тасвирлари ва буларнинг ҳаммасидан ёзувчининг кузатган мақсадлари, улар устига қўйган бадиий вазифаларини ички ҳаёлимда гавдалантириш, тасаввуримда муҳрлашга уринаман. Ёзувчининг бадиий ниятидан ҳеч нарса тушиб қолмаслиги, ҳаммаси аслиятда қандай бўлса, шундай ярақлаб туришини ўйлайман. Айниқса, иборалар... Бирорта жумла, ибора таранглигини, жарангини йўқотмаса дейман... вариантлар... вариантлар... табдиллар, муодилликлар вариантлари... қачон Достоевский ё Нитшега муносиб ўзбекча қурч бадиий ибора чиқаркин?

— Рус адабиёти билан бирга сиз билвосита, яъни бошқа миллатлар ёзувчиларининг асарларини ҳам рус тили орқали таржима қилгансиз. Жеймс Жойс, Камю, Борхес асарлари билвосита таржималар ҳисобланади. Таржимон сифатида уларнинг фарқини ўзингиз қандай изоҳлайсиз?

— Рус тили орқали қилинган таржималарда ҳам Маркес ё Нитшенинг юрагини, ҳам уларни ўгирган рус таржимонининг юраги зарбларини тинглашга, илғаб олишга ич-ичимдан интиламан. Рус таржимонининг қийинчиликларини тасаввуримга келтираман. Баъзан йўқ, Нитше бундай ёзиши мумкин эмас, деган иштибоҳга бораман. Таржима тили ахир бутун ўзига хос олам! Воситали тилдан таржимада ахир автордан кўра тилда таржимон-авторга эргашасиз, унинг ҳаракатлари, юз ифодаларини такрорлайсиз.

— Жеймс Жойс асарларини таржима қилишга унча-мунча одам журъат эта олмайди. Чунки унинг ўзини тушуниш ниҳоятда мушкул. Сизнинг Жойс асарларини таржима қилишингизга нима туртки бўлган? Таржима жараёни мураккаб кечган бўлса керак-а?

— Жойснинг ҳар жумласида менга янги олам очилган, янги бадиий тасвир имкониятлари қулф урган. Бу асар бошдан-оёқ сирли кашфиётларга тўла. Буларнинг бари XXI аср ўзбек тилига тарихий, маданий синов бўлди. Шу боис, гарчи воситали тил орқали бўлса-да, таржима қилиб, ўзбек сўз маданиятининг мулкига айлантурса арзийди. Жойс Европа ва жаҳон маданияти тарихининг шундай нуқтасида турадики, унинг “Улисс” ва “Финниган маъракаси” асарларисиз улардан кейин яратилаётган жаҳон адабиётини тушунтириш, тушуниш мумкин эмас. “Улисс” беш минг йиллик дунё адабиёти гоёлари,

*тақдирлари, санъатларини, инсон ҳақидаги қараишларни мислсиз бадиий маҳорат билан умумлаштирди. Янги дунёнинг “Одиссея”си ва “Илиада”сига айланди.*

— **Чингиз Айтматов романларини ҳам рус тилидан таржима қилгансиз. Чингиз Айтматов асарларида архаик сўзлар кўп. Бундай асарларда сўзларнинг муқобилларини қандай топасиз?**

— *Ҳар қандай талантли асар ўзигача бўлган асарлардан сўз бойлигини яратади. Чингиз Айтматов асарлари тили ҳам ҳар бири ўзига хос бой лугатга эга. Уларда ноёб тил ва лугат қатламларига дуч келамиз.*

*Менга ўқувчилар таржималарингизда ноёб, ҳатто истеъмолдан чиқиб кетган архаик (эски) сўзларни кўп қўллайсиз, уларнинг соддароқ, тушунарлироқ муқобилларини ишлатсангиз ҳам бўларди-ку, дейишади. Бунга эътироз билдиришим қийин. Лекин контекстнинг ёзилмаган қонуниятлари бор. Сўзлар, жумлалар контекст талаби, поэтикаси, вазифасидан келиб чиқиб қўллангандагина бадиий жиҳатдан ўзини оқлайди. Мен қандайдир ноёб сўз, иборани у ноёб бўлгани учунгина қўллашдан ўзимни эҳтиёт қиламан. Матнда ҳар бир сўз узукка кўз қўйгандай ярашиб, энг зарур бадиий вазифани бажариб туриши, яъни олий даражадаги маънодорликка хизмат қилишини ёқтираман.*

*Нақшдан мурод нақшбанд деганларидай, сўздан мурод маънодир.*

— **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

Суҳбатдош —

филология фанлари номзоди **Назира Тошпўлатова.**